

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 7 июнь кун
Оқсаройда Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Шайх Холид бин
Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифани қабул қилди.

Ҳамкорлик масалалари муҳокамаси

Сизинг ташрифингиз Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи эканлиги билан ҳам муҳимдир, - деди давлатимиз раҳбари. - Ўзбекистон учун араб давлатлари билан муносабатлар устувор саналади. Шу маънода Баҳрайн билан ҳамкорлик биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон билан Баҳрайн ўртасида 1992 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида сиёсий ҳамкорлик қилиб келади. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Бу халқаро майдонда мамлакатларимиз бир-бирининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлашига хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, томонлар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди. 1997 йилнинг февраль ойида Баҳрайн нефть ва саноат вазири раҳбарлигидаги савдо-иқтисодий делегация Ўзбекистонга ташриф буюрганида ўзаро ахборот алмашиш масалалари ҳам алоҳида муҳокама қилинган эди. Шу мақсадда делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маҳкамаси, «Ўзбекнефтьга» миллий ҳолдинг компанияси, Ташқи ишлар ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларида музокара ўтказган эдилар.

Мутахассисларнинг фикрича, юртимизга Баҳрайн сармоясини жалб этиш, Ўзбекистондан у ёққа мева ва поллиз маҳсулотлари экспорт қилиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар тузиш ва сайёҳлик - ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари саналади.

Ўзбекистон ва Баҳрайн гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш бўйича улкан имкониятларга эга. Мамлакатларимиз олимлари, маданият ва санъат намояндлари, спортчилар ўртасидаги ҳамкорлик халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилиши табиий.

Бир неча йил аввал Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Тадбиркор аёллар уюшмаси делегацияси Манамада ўтказилган йиллик хайрия бозорида қатнашди. Унда халқимиз амалий санъати буюмлари ва рассомларимизнинг асарлари намойиш қилинди. Ўзбе-

кистон Хотин-қизлар қўмитаси билан Баҳрайн Аналар ва болаларни ҳимоя қилиш жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги англашув протоколи имзоланган.

Оқсаройдаги учрашувда Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифа Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини, музокарада ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашилганини таъкидлади. ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишида Ислон Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, мамлакатимизнинг тинчликпарварлик сиёсати муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)



- Асакада нафақат автомобиль заводи, балки эгасини шу автомобилларни сотиб олиш даражасигача бойитган иссиқхоналар ҳам кўп.
- “Хорун ар Расул” Москва олимлари билан ҳамкор.
- Уруғчилик бозоримиз ўзимизники бўлса...
- 11 литр ўрнига 1 литр сув сарфи — бу яхшими?
- Маҳаллий тайёрловчилар бунча “арзончи” бўлишмаса...

Асака туманидаги “Хорун ар Расул” фермер хўжалигида “Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати” Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳамда Республика Фермерлар уюшмаси ҳамкорлигида боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сара уруғчилик билан таъминлаш мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг боғдорчиликка ихтисослашган етакчи фермерлари, қатор қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтларининг олим ва мутахассислари, мева навларини баҳолаш бўйича давлат комиссиясининг масъул ходимлари, шунингдек, уруғчилик етказиб бериш, мамлакатимиз ва хорижда мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган республикамиз ҳамда чет эл мамлакатлари вакиллари иштирок этди.



Бой бўламан десангиз...

Бунинг уйун имконият ҳам, шароит ҳам бор

— Хар гектар иссиқхонадан йилига 50 минг доллар даромад олиш мумкин, — дейди меҳмонларга меҳобонлик қилган Расулжон Иброҳимов. — Бунинг учун, аввало, фермернинг ўзи ҳаракатга келиши ҳамда айна вақтида иш бошида озгина қўл бўлса кифой.

Агар сиз пойтахтдан Андижонга самолётда боргудек бўлсангиз, самолёт қўнган чоғда, албатта, қўзингиз битта-икита эмас, минглаб иссиқхоналарга тушади. Уч-тўрт сотих иссиқхона ҳисобида турмушини обод қилаётган, Асакада чиқаётган автомобилларнинг энг зўрини ҳеч оғринмай харид қилаётган деҳқонлар жуда кўп. Демак, Расулжон Иброҳимовнинг гапларида жон борлиги ҳам ҳақиқат.

Атиги 70 сотих ердан Расулжон ўнлаб машинага сизагидан ахриқини, тошларни терди. Ўзининг, ака-укасининг ҳовлисидаги гўнг ва чириндиларни ташиб келтирди. Дастлаб битта иссиқхона қурди. Аста-секин иссиқхоналар кўпайди. Йилнинг бошланиши ахир кетди-ю, кўп ўтмай тадбиркор уруғчилик муаммосига дуч келди. Иссиқхона учун мўлжалланган помидор, бодиринг, булғор қалам-лари, баклажон уруғларини топиш амри-маҳол бўлиб қолди. Кенга кенг дунё, деганларни ҳақ экан. Расулжоннинг интилишларидадан хабардор бўлган дўстларидан бири Москвада айна иссиқхонага мўлжалланган сабзавот уруғлар етишти-рувчи институт мавжудлиги, лозим бўлса, ўша ерга олиб боришини билдирди. 1994 йили ўрнатилган ҳамкорлик то ҳозиргача давом этиптики, бундан наин-ки Расулжон, балки минг-минглаб водий-лик деҳқонлар ҳам бирдек баҳраманд бўлишляпти.

Қариб ўн йил давомида Сергей Федорович Гавриш бошчилигидаги москвалик селекционерлар Расулжон Иброҳимов ташаббусини қўллашган ҳолда, Асакада ҳам синоваларни амалга ошириб келишмоқда. Қачонки, синога қўйилган сабзавот уруғларидан олин-адиган маҳсулотлар сифати, ҳосилдорли-ги ҳамда узоққа етказиш бўйича чидам-лиги деҳқонларга маъқул келгандан сўнг районлаштириш йўлга қўйилди.

Бахс ва мунозараларга бой бўлган йилгида партия раҳбари М.Тешабоев ва уюшма раиси С.Қўбулов Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилишга қаратилган савий-ҳаракат-лар, уларнинг ҳаётидаги ижроси ва на-вбатдаги вазифалар ҳақида сўз юри-т-

дилар. Дарҳақиқат, сўнгги ўн беш йил-да пахта яққахўшимлигига барҳам бериш йўлида улкан қадамлар ташлангани, бу-гунга келиб қишлоқ хўжалигининг бар-ча тармоқларини бирдек ривожлантириш учун асос яратилди. Қолаверса, барча ерларнинг эгаси — фермернинг қўли-ни кенг олишига яратилаётган шароит-лар тобора кенгайиб, тақомилига етаёт-ганлиги қишлоқда мулкдорлар синфи-нинг шаклланишига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Аммо, масаланинг иккинчи томони борлигини ҳам унутишга ҳақимиз йўқ деб ўйлаймиз. Мева-сабзавотчилик билан боғлиқ дастлабки материал — уруғ-чилик борасида ривожланган давлатлар-нинг компаниялари монополистик ма-қени эгаллаб олишди. Қўзингизни ўйна-тадиган тарвуз, офтоб тигида қирқ кун қолиб кетса ҳам чириб кетмайдиган по-мидор уруғи ҳам хорижники. Бозор икти-содиёти баҳона хорижий компаниялар-нинг уруғчилик бозоримизни эгаллаб олиши минг йиллик мевачилик, поллиз-чилик ва сабзавотчиликка соя сола бош-лади.

Республика Давлат нав синаш комиссияси раисининг ўринбосари Турдибек Абдулхўликов, сабзавот, поллиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот инсти-тут директори ўринбосари Абдулазиз Аббосовнинг маърузаларидан шу нарс аён бўлдики, аввало, маҳаллий селек-ционерларнинг деҳқонлар билан ҳамкор-лигида узилиш бор. Бу узилишни йўқ қиладиган нарс а реклама. Ана шу рек-лама мавжуд эмаслиги оқибатида маҳал-лий селекционерлар томонидан ярати-лаётган мева, поллиз, сабзавот экинлари уруғлари ёҳуд кўчларни ҳақида айтар-ли ҳеч нарс а билмаймиз.

Машваратда сўз олган Тошкент туманидаги “Тўхтаниёв ота” фермер хўжали-ги раҳбари Мухторжон Тўхтаниёзов, аса-калик ҳамкасби эришган муваффақият-лар замирида оддий деҳқонга берилган имкониятлар мўжассам эканлигини та-кор-такор қайд этар экан, фермерлар ва олимлар ўртасида ҳамкорлик узлуқ-сизлиги бу масалани ижобий ҳал этишга туртки беради, деди.

Томчилатиб сугориш усулини қўлла-ниш ўзлаштирган асакалик миришкорлар-нинг ютуқлари ортса-ортдики, асло қа-майиб қолмаяпти. Бир тул помидор кўча-тини сугориш учун оддий усулда 11 литр сув керак бўлади. Томчилатиб сугориш-га ўтган деҳқон энди атиги 1 литр сув

сарфляпти холос. Минерал ўғитни су-ва аралаштириб бериш орқали эса те-ҳамкорлик бир неча ўн бараварга кўта-рилди.

Пахтаободлик Камолитдин Раҳимов бир эмас, иккита ўта оддий усулда са-бзавот етиштириш мумкин бўлган исси-қхонани ишга туширди. У Житойга бориб, ўрганган нарсаларини маҳаллий шаро-итда кашф этишга киришди. Марҳамат-лик Мўминжон Абдурахимовнинг Асака адирлари ён бағрида барпо этган исси-қхонаси бундан ҳам эътиборга молик. Қиш чилласида ишга киришган Мўмин-жоннинг оддий иссиқхонасида бугун по-мидор ва бодиринг гарқ пишган пайт.

Мулоқотлар давомида хорижа маҳсу-лот сотиш борасида ҳам фикрлар ўртага чикди. Москвадан келган дўстларимиз-нинг айтишларига қараганда, шу йил 9 май кун Андижондан етказилган тилос-ни ҳар қилграмми 500 рублдан со-тилибди. Ўтган йилнинг ёзида ўзимиз қўрганимиз шу бўлдики, биздан борган помидорларнинг ҳар қилграмми 50-60 рублдан сотилляпти. Кичик Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларидан борган помидор-ларнинг нархи эса 25-30 рубл эди. Биз-нинг қуёшга тўйинган мевадаримиз таъм жиҳатидан дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларидан етиштирилган сабзавот-ларникидан юқори туради. Маҳсулот ишлаб чиқаришда рақобат пайдо бўляпти. Бироқ ўзимиздан ошинуиб ташқарига сотадиган маҳсулотларимиз савдосида рақобат мавжуд бўлмаяпти. Муқобил ҳа-рид ва савдо компаниялари ташкил этиш вақти келганлигини описларда умргуза-ронлик қилаётган оддий деҳқонларнинг оғзидан эшитиш ҳам мароқли ва айна вақтда оғриқли нуқта десак ҳам бўлади. Негаки, маҳаллий тайёрловчилар имкон қадар арзон-гаров маҳсулот олиш уми-дидан қўнғил узишолмаяпти.

Республикамизнинг турли томонлари-дан келган ва сўз олган фермерларнинг барчаси шундай тадбирларда афляа хо-димлари, банкирлар, тайёрловчилар, соҳага тааллуқли олимлар ҳам иштирок этишса, олдимизда турган муаммолар-ни биргаликда ечишда бизга ҳамнафас бўлишса, деб тилак билдиришди.

Қобилжон АСКАРОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.
СУРАТДА: кўргазмали семинардан лавҳа.

Хурсандбек АРАББОВЕВ олган сурат.

Баҳрайн делегацияси ташрифи

Мамлакатимизда Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифа раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Ушбу таш-риф доирасида 7 июнь кун Ўзбекистон Рес-публикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбе-кистон ва Баҳрайн ташқи сиёсат маҳкамала-ри ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва маслаҳатла-шувлар тўғрисида протокол имзоланди.

Мазкур ҳужжат мамлакат-ларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ри-вожлантиришни, сиёсий, сав-до-иқтисодий, маданий ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорлиқни янада кенгайти-риш ва мустаҳкамлашни ҳамда томонларни қизиқтир-ган халқаро муаммолар ва ўзаро ҳамкорликка оид маса-лалар бўйича мунтазам ра-вишда маслаҳатлашувлар ўтказиб бориш ва фикр алма-шишни назарда тутати. Про-токолга Ўзбекистон Респуб-

ликаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов ҳамда Бах-райн Подшоҳлиги ташқи иш-лар вазири Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Ха-лифа имзо чекдилар.

Баҳрайн делегацияси аъзолари пойтахтимизда бунёд этилган Хазрати Имом (Ҳасимий) мажмуида ташриф буюриб, Хазрати Имом жомеъ масжиди, Барокхон мадраса-си, Мўйи муборак зияратгоҳи каби иморатларни кўздан ке-чирди. Меҳмонлар бу ерда Президент Ислон Каримов

раҳнамолигида амалга оши-рилган кенг кўламли бунёд-корлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди-лар. Ушбу иншоотларнинг бунёд этилгани Ўзбекистон-да диний бағрикенгликни таъ-минлаш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг ама-лий натижаси эканлиги таъ-кидланди.

— Бугунги кунда мамлакат-ларимиз ўртасидаги алоқалар икки томон учун ҳам манфа-атли асосда ривожланиб тур-моқда, — деди Баҳрайн деле-гацияси раҳбари. — Биз юр-тингиз билан ҳар жаҳдага, айниқса, таълим, фан, сайёҳ-лик, савдо-иқтисодий ва ма-даний-маърифий соҳаларда-ги ҳамкорликни янада ке-гайтириш тарафдоримиз.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Олий Мажлисидаги учрашув

Мамлакатимизга ташриф буюрган Кувайт Давлати Бош ва-зирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ 7 июнь кун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па-латаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жум-ладан, парламентлараро ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари-

нинг учрашувларида эришилган қилишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётга-ни таъкидланди. Президент Ислон Каримов-нинг 2004 йил январь ойида Кувайтга рас-мий ташрифи ўзаро муносабатларни хар то-монлама кенгайтириш учун янги имконият-лар очди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Кувайт парла-ментлари ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга доир масалалар юза-сидан фикр алмашилди. Томонлар икки ма-млакат парламентлари ўртасида ўзаро таъри-ба ва ахборот алмашувини янада фаоллаш-тириш зарурлигини қайд этдилар.

Н.МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

Пиллачилик

Марра -
2500 тонна

Қашқадарё вилояти
пиллачилари 2479 тонна
“қумуш тола” хирмони
яратиб, шартномани ба-
жардилар.

38552 пиллачилик звено-сида 50 минг қутти ипак қурти талаб даражасида пар-варишланганлиги боис бу кўрсаткичга эришилди. Де-мак, тармоқдан ўтган йилда-гига нисбатан 10-12 милли-он сўм кўп, яъни 55-60 мил-лион сўм фойда олиниши ку-тиляпти.

Воҳа пиллачилари ялпи хирмон салмоғини 2500 тон-нага етказишга бел боғлаш-ган.

Фахриддин БОЗОРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қашқадарё вилояти

Маҳсулот
тош босди

Самарқанд вилояти
пиллачилари қабул
пунктлари 2 минг 480
тонна қимматли саноат
хон ашёси топшириб,
шартнома мажбурияти-
ни бажарди. Пайлунг,
Жомбой, Ургут, Булунг-
ур ва Самарқанд тумани
пиллачилари вилоят
хирмонида салмоқли
улуш қўшди.

Мавсумда 48 мингдан ортиқ звенода 54 минг 311 қутти ипак қурти парваришланди. Жомбой туманидан Роҳат Эгамбердиева, қаттақўрғон-лик Зебинисо Бобоева, пай-ариклик Гулчехра Тўқонова, пастдаргомлик Офтоб Имомо-ва бошчилигидаги звенолар хар қутти кўрт уруғидан 65-70 килограммдан ҳосил етиш-тирди.

Вилоятда пилла топшириш давом этмоқда.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Самарқанд вилояти

Қиска сатрларда

“Навқирон Самарқандга таъзим!”

“Навқирон Самарқандга таъзим!” мавзусида Самар-қанд шаҳрида ўтказилган фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда дастлаб-ки босқичда ғолиб чиққан жамоалар иштирок этишди. Унда халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий анъана ва удумлар, қадимий халқ кўшиқлари ҳамда ўйинлари намойиш этилди. Қадимий ва навқирон шаҳарнинг юбилейига бағиш-ланган ушбу фестивал ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Отаҳон ва онахонлар меҳри

Бир гуруҳ фахрий отаҳон ва онахонлар Самар-қанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан учрашди.

Унда фахрийлар “Меҳрибонлик уйи” масканидаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Улар болакайларга тинчлик қадри ҳақида сўзлаб беришди.

Маматдёр ЗИЁДИНОВ

Самарқанд вилояти



- Нонуштага... шакар чой
- Ун нега бойитилади?
- Камқонлик - “яширин очлик”
- Дарднинг давоси қўлимизда

— Дўконимизга бойитилган ундан борми, деб сўраб кел-увчилар кўпайиб қолди, —

дейди ғиждувонлик Раҳмон-жон исмли тадбиркор йигит. — Аввалига бу гапга унча эъти-

бор бермадик. Кейин астой-дил қизиқиб қолдим. Сўраша-ётгани темир моддаси билан бойитилган би-ринчи навли ун экан. Харидор-лар ҳам танлаб, саралаб ун со-тиб оладиган бўлиб бориша-япти, ака.

Раҳмонжоннинг қишлоқ-

дошлари “бойитилган ун” ҳақида Акмал ақадан эшитиш-ди. Хар нарс ага қизиқувчан бу инсон келини ши-фохонага тушганида ши-фокорларга уч-рашди. “Кели-

— Тўғрисини айтганингиз учун раҳмат, — деди бунга жавобан вилоят клиник ши-фохонаси варачи Исомжон

кутаётган Акмал аканинг юра-гига гулгула тушди. Маслаҳат-га маҳтал бўлди. “Эрталаб но-нуштага нима ейсизлар?” дея сўраб қолишди докторлар. Акмал ака ростига кўча қолди, нон, шакар чой.

— Тўғриси айтганингиз учун раҳмат, — деди бунга жавобан вилоят клиник ши-фохонаси варачи Исомжон

Саломов. — Энди бизнинг маслаҳатга қўлоқ тутинг. Ав-вало, оилада бойитилган ундан тайёрланган нонни истеъмол қилишга одатла-нинг. Сут ва сутли маҳсулот-лар, резавор қўкатларни мунтазам еб туриш керак. Келинингиз каби туғиш ёшидаги аёлларда темир моддасига эҳтиёж бошқа-ларга нисбатан уч-беш ба-робар кўп бўлади.

(Давоми 2-саҳифада)

ИЗЛАНИШ

Шахс ва жамият

Инсоннинг ҳаётида, турмушида ва меҳнат фаолиятида мулкдорлик хисси бўлмаса, бу туйғу ижтимоий қадрият тизимидан чиқиб қолиши мумкин. Бунда мулкнинг фақат давлат мулки шакли, ижтимоийлиги давлат сиёсатини режалаштириш ва тақсимлашга, жамиятда ўз иқтидори, меҳнатига қараб эмас, балки яккахукмдорлик қилаётган бир гоё тарафдорлари хоҳишига асосланиб қолади.

Умуман мулкдорлар синфи вужудга келмас экан, жамиятда боқимандалик кайфияти ҳукм суриши, кишиларнинг

Мулкдор бўлиш ҳуқуқи

Бу — айни унинг зиммасига масъулият юклайди

амалга оширилаётган сиёсатга ва умуман ижтимоий муҳитга бефарқлиги юзага келиши табиий.

Жаҳон ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаси эса шуни кўрсатмоқдаки, мулкдорликнинг қадрланишигина уни асраб авайлашни, ривожланиши ва самарали фойдаланилишини таъминлаши мумкин.

Шу боис ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим натижаларидан бири турли мулкчилик шакллари-нинг вужудга келиши бўлди.

Мамлакатимизда бу борада ҳам бозор иқтисодиёти талаблари шарафига фаолият кўрсатиш учун керакли ҳуқуқий асос яратилди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулккий муносабатлар юридик жиҳатдан расмийлаштирилган ҳолатдан кейин мулкдорларга ўз хоҳишига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ваколатини беради.

Хусусий мулк эгалари эса мамлакатимизда кичик тадбиркорлик фаолиятининг кенгайишини таъминлади. Рағбатлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилган тўғайли ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши ортди бораётди. Қолаверса, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг тез сўрьатлан билан ривожланишини таъминламасдан барқарор иқтисодий ўсш ва ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этиб бўлмайди.

Бугун қишлоқ аҳолиси фермер ҳўжаликлари воситасида хусусий мулкка эга бўлишмоқда. Хусусий тармоқ ривожда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Жамиятимизда хусусий тармоқ ривожланиб, борган сари унинг ижтимоий ҳаётга таъсири ортиб боради. Чўнки мулкдор кишилар ижтимоий фаоллик кўрсата бошлайдилар. Жамиятда турли мулкчилик шакллари-нинг мавжуд бўлиши шахс эркинликлари поймол этилишининг олдини олади. Айни пайтда унинг масъулияти, ташаббускорлиги, янги иш услубларига интилиши, меҳнат сифати ва миқдоридан манфаатдорлиги ортиб боради. Бунинг натижасида шахс ўз мақсадлари томон элтувчи воситалар туркумини бойитади, такомиллаштиради.

Хуллас, мустақил шахс — хусусий мулк эгаси ўзининг кундалик фаолиятига ўзи ҳўжайин бўлган, мустақил фикрлаш, ишлаш, яшаш маданияти юксак даражада ривожланган, жамиятда мавжуд бўлган ҳуқуқий, ахлоқий қоидаларга изчил амал қиладиган кишидир. Шундай инсонларгина ўзи ва Ватани учун фидокорона меҳнат қилади, унинг моддий ва маънавий бойликларини асрашга, юксалтиришга интилади.

Илҳом ОРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
тингловчиси.

Томдда чиниққан чўпонлар

қорақўлчилигимиз равнақида уларнинг ўз ўрни ва макеи бор

Томди яйловлари тўғрисида гапирганда, энг аввало, кенгликлар, саксовулзорлар, кум барханлари кўз ўнгингизга келади. Вилоят маркази — Навоий шаҳридан Томдига бориш учун камида 350 чақирим йўл босиш керак. Бу ҳудуднинг об-ҳавоси тез ўзгарадиган. Одатда, баҳор кеч келади, ўт-ўланнинг ўсиши қийин кечади. Бу йилги қўллам эса серёгин келди. Ўт-ўлан сероб. Аслида қумликларда ўсадиган гийҳлару саксовулзорлар бебаҳо бойлик. Саҳронинг у ер-бу ерида чўпон ўтовлари, қўй қўралари кўзга ташланиб қолади.

Ўтемурад ўтовлари

Чорвачиликда қўчма ўй-ўтов қўл келади. Ана шу иноватга олиниб, Томди тумани “Бирлик” қорақўлчилик ҳўжалигининг маркази Ўтемурад кўргонидидаги Чигир дөб номланган кичик қорхонада ўтов тайёрлаш йўлга қўйилган. Чўпон-чўликлар синовидан юзлаб йиллар давомида ўтган бундай кигиз қўналгалар совуқ кунларда иссиқ бўлади. Ёзда эса унинг икки тарафини андак очиб қўйсангиз, тирғир шабада юриб, танангизга роҳат бəхш этади.

Чигир қорхонаси раҳбари Соғиндиқ Мухаммаджоновнинг айтишича, айни кезда аҳоли ва ширкатда мавжуд бўлган эчки, от, туя, қўй терилари қайта ишланиб, шалпа, теллақ, кигиз, туя шим, хуллас, 10 турдаги маҳсулотлар ҳам тикилиб чўпон-чўликларга етказиб берилмоқда. Ўтган йили 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич янада оширилди...

— 465 минг гектарлик яйловларда 46,8 минг бош қўй-қўзи, 203 бош туя, 212 бош йилки боқилмоқда, — дейди ҳўжалик раҳбари Жўрабек Юсупов. — Бу мавсумда 18282 бош қўзи ўстиришга қолдирилиб, 30,6 тонна жун ҳамда 6343 дона сифатли қорақўл тери етиштирилди. Ўзбекистон Қўрамончи Серикбой Сағатов, тажрибали чорвадорлар — Тўлмудор Бутабеков, Ширинбой Сарсенбоев, Йўлдош Бегманов ва тўябоқарлар Қизилқумда ўзига хос тажриба мактаби яратганлар. Ижтимоий ҳимоя ва ҳомийлик ёрдамлари учун 7 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Керегетовнинг

ёқутистонлик келини

“Керегетов” — тумандаги етти та қорақўлчилик ҳўжаликлари-дан бири. Бу ерлик одамларнинг авлод-аждодлари ҳам сурув айдаб, яйлов кезишган. Тиркичиликни ана шу сермашаққат касбсиз тасаввур этишолмайди. Шу ҳўжаликда бўлганимизда, қизик тақдирли инсонлар билан юзма-юз келдик. Хайрибек оға ана шу ердаги чўпон ўтовидида туғилди, воғга етди. Тақдир тақозоси билан ёқутистондаги институтда ўқиди. У ерда ёқут қизи Галина билан танишди. Бир-бирларига меҳр қўйишди, турмуш қуришди. Мана, йигирма йилдири, ширин турмуш кечиряшмоқда. Хайрибек оға бош ветврач, Галина опа эса ҳўжаликда бош ҳисобчи. Ойлада Ормон, Мухан ҳамда Алёна воғга етишяпти.

— Мен қум барханлари билан қопланган поёнсиз саҳрода илдиш отиб, болачакали бўлиб, бахтли ҳаёт кечираётган аёллардан бириман, — дейди Галина Асилбекович. — Йиллар давомида ўзбек, қозқ тилларини яхши ўрганиб олдим. Мени эркалаб Керегетовнинг ёқутистонлик келини, деб аташди. Бу мени жудаюм қувонтиради.

От чопса, гумбуллар тоғлар дараси

Қизилқумлик кўпқари муҳлисларининг айтишича, музофот чавандозлари орасида оғир улоқни ёки танани тўдадан айириб, соврин олади-

ганлар сони санокли. Зўрлар орасида Томди туманининг “Керизбулоқ” қорақўлчилик ҳўжалиги ҳудудидаги Боссой яйловиди йилки боқувчи Мулдабек Қувончбоевнинг таъриф-таъсифи узоқ мактовлардан сўнг “қойил” деган сўз билан яқунланади.

— Оғир тана ёки улоқни даврдан абжир чавандоз ва отнинг зўри олиб чиқади, — дея гап бошлади Мулдабек оға. — Менинг етти авлодим чавандоз ўтишган.

Мулдабек оға ширкатнинг энг илғор йилқибоқарларидан. У киши ихтиёрида ҳозирги кунда 45 бош йилки, 19 бош бия бор. “Керизбулоқ” қорақўлчилик ҳўжалиги жамоаси тармоқ самарадорлигини оширишга астойдил интиломоқда. Бу ҳисобчи Рузабек Қурумовнинг таъкидлашича, бугунги кунда ширкатнинг 407,6 минг гектарлик яйловларида 26 минг бош қўй-қўзи, 16 бош туя, 99 бош йилки боқилмоқда. Улар парварши билан 30 та отардаги 60 нафар чўпон-чўлик банд. Баҳорги мавсумда 11,2

минг бош совлиқ қўзилди. Уларнинг асосий қисми кўзилиб қўзилди. Чўпон ихтиёрида 550 бош қўй-қўзи бор. Тўп олинган мавсумидида кўрсаткичлар қувонарли бўлди. Ҳўжаликда Қиёс оғанинг издошлари сероб.

Яйловлар сеҳри

Томди туманидаги “Хани чорва” ҳўжалигига қарашли Тасбин Жаҳоев, Алишер Табинов, Рихсибек Табинов, Нурон Алибоев, Элвусин Амриев, Ахлибек Юнусов сингари чўпон-чўликларнинг отларидида бекторлар манзараларининг гувоҳи бўлди. Яйловни тўлдириб юрган қўй-қўзилар овози оламни тутди.



Ҳўжалик раҳбари Авилбек Дўсанбетов ҳамда бошқа мутахассислари шу ерда учратдик.

Кейинги пайтда бу ерда бозор, битта қишлоқ участка шифохонаси қурилди. Бу йил ижтимоий ҳимояга 12 миллион сўм ажратилди.

Тиллодай товнанади

— Мамлакатимиз ер майдонининг қарийб 10 фоизини ташкил қиладиган Томдининг қорақўл қўилари кўп жиҳатлари билан тамомила ажралиб туради. Бунинг учун биздан аввал ишлаган ва ҳозирда меҳнат қилаётган фидойи кишилар озмунча машаққат чекканми? — дейди “Томди” наслчилик ҳўжалиги раиси Кенгес Ер-ниязов. — Насли яхшиланиб, зоти тозарган қорақўл териларимиз тиллодай товнанади.

Кенгес Ерниязов ўн йиллик раис. Бу ҳўжаликка келганда 15 минг бош атрофида қўй-қўзи бор эди. Ҳозир уларнинг сони 83,5 минг бошдан ошди. Раиснинг фикрича, изланган-га имкониятлар эшиги очик.

— Ўтган йили даромад 252 миллион сўмга етказилганди. Чўпон-чўликларга 9890 бош қўзи муқфот тари-қасида берилди, — дея сўзиди давом этди Кенгес оға. — Муқфот олма-ган чўпон-чўлик қолмади. Бундай натижага ҳар йили чорвани 10 фоиздан қўйайтириб бориш тўғайли эришяпмиз, энг асосийси, одамларни чорвачиликка қизиқтириб қўйдик. Ширкатда шу йилнинг биринчи чорағида 11,5 миллион сўмлик ҳомий-лик ёрдами кўрсатилди. Бу қўмакдан жамоадаги мактаб, болалар боғчаси, шифохона, кам таъминланган оила-лар баҳраманд бўлишди. Ҳукумат қарорига кўра 15 та оилага қорамол сотиб олиб берилди.

Мулоқот чоғида Кенгес Ерниязов қудуқларнинг асқариёти 15-20 йил-дан бери ишлатиб келинганлиги ҳақида тўхталди. Чўлда чўпон қудуқ-ни қўз қорачиғидида асраши лозим. Ўшатиш жоиз бўлса, янги қудуқ қазиб сув чиқариш харажатларига бир отар қўйнинг пули етиши дарғумон. “Зит-4” маркали сув чиқариш мотор-ларига керакли эҳтиёт қисмларини топиш анқонинг уруғи. Гоҳида улар-ни қидириб Тошкентга боришга тўғри келади. Ниятимиз, шу масала ўз ечимини топса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Улғубек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Навоий вилояти

Меҳнат маҳсули зарарқунандага эмас, ўзимизга насиб этсин

Ҳа, биргина ғўзага 200 турдан зиёд зарарқунанда хуруж қилади. Ўз вақтида, зарур ҳимоя чораларини қўллашгина ўсимлик жонига оро киради

Ҳосил тақдири ҳимояга боғлиқ

0,15 л/га сингари тизимли препаратлар қўлланилади. Шираларга қарши Прет-рид препаратларини қўллаш қўтилган са-марани бермайди.

Қандавлалар шонлаш давридан бош-лаб зарар еткази бошлайди. Бу зарарқу-нанда май ойдадан август охиригача, ҳат-токи, сентябрда ғўзанинг шоналари, гул-лари ва қўсакларидан ҳосил ширасини сўриб, катта зарар еткази.

Бу зарарқунанда кенг тарқалган пай-даларда ҳосилдорлик 60 фоизгача ка-маяди.

Унга қарши қураш чораси сифатида жағ-жағ, қандавлари тўғланиб, қўпая-диган бегона ўтларни мунтазам равиш-да йўқотиб туриш, тўпроқнинг ҳаддан та-шқари намиқиб кетишига йўл қўймаслик, ҳар 100 туп ўсимликда қандавлар сони 50-70 тага етганда ғўза битларига қарши тавсия этилган кимёвий препаратлардан фойдаланиш қўл келади.

Тамаки трипси ғўзанинг ўсув нуқта-си ва барглари-ни шикастлайди. Ҳар бир гектарга 1000-2000 дона олтинқўз дала-га тарқатилса, яхши самара беради. Трипс миқдорини бир неча турдаги та-биий қушандалар қамайтириб туради, улардан энг аҳамиятлиси қандава на-бисидир. Ғўзанинг 2 та чинбарг чиқариш даврида ҳар ўсимликда 10 та трипс қайд этилса, сўрвучи зарарқунандаларга қарши тавсия этилган препаратлардан фойдаланган ҳолда қураш чоралари ўтқа-зилади. Ҳар бир гектарга 1000-2000 дона олтинқўз далага тарқатилса, яхши сама-ра беради.

Қузги туллам қапалагининг учини-ни аниқ белгилаш мақсадида ҳар 5-10 гек-тар майдонда биттадан феромон тўзоқ-лар иилиб чиқилади. Бунда тўзоқлар ўси-мликдан 20-30 сантиметр юқори туриши керак. Бир кечада тўзоққа 2-3 қапалак и-линиши биланок бу зарарқунандага қарши далага трихogramма чиқарилади. У даст-лаб гектарига 60 минг, 3-5 кун оралатиб, такроран 80 минг ва яна 3-5 кун орала-тиб, 60 минг дондан учини марта қўйи-лади. Экиннинг ҳар 1 м² майдонидида ку-рлар сони ўртача 1-1,5 донга етса, бир кун кимёвий препаратни (дедус, 2,5% ч/р -0,7 л/га, цинерметрин 25% э.м.к., 0,3 л/га; вантес, 6% с.с.к., -0,25-0,3 л/га) қўллаш мақсада мувофиқдир.

Қўсақ қурти экинга жиддий зарар ет-казади. Бу зарарқунанданинг гўмбақла-ридан чиққан қапалақлари ўртача 1000 донгача, айрим серпуштлари 3000-4000 тагача, кейинги насли эса 500-600 донга-ча тўғу қўяди. Ундан чиққан қуртча-лар ғўзанинг гули, шоналарини зарар-лайди. Қуртлар кейинчалик қўсакларнинг ичига кириб, чигит қотқучча унинг ҳисо-бига оқиланади. Шикастланган шона гул тўғилади, зарарланган қўсақ эса қирий-ди. Битта қурт 24 донгача ҳосил нишо-наларини шикастлайди.

Қўсақ қуртининг 90 турга яқин табиий қушандалари қайд этилган. Биолобора-торияларда оммавий қўпайтириладиган трихogramма ва браконларни қўллаш юқори самара беради. Қўсақ қурти қа-палақларининг учиб чиқиш муддатлари башорат қилинган муддатдан 7-10 кун ол-дин ҳар 2 гектар ҳисобига биттадан фе-ромон тўзоқлар иилиб чиқилади. Уларни кечқурун соат 19-21 орасида қўйиб, илин-ган қапалақларни эрталаб соат 8 дан 9 гача ҳисоблаб чиқилади. Чўнки қапалақ-лар кечаси жуда фаол бўлади. Ғўзада қўсақ қурти дастлабки тўғумлари қуза-тилиши билан уларга қарши трихogram-мадан фойдаланилади.

Трихogramмани далага эртанги (6 дан 10 гача) ва оқшомги (18-21) соатларда, яъни ҳарорат нисбатан балан бўлма-ган, ҳаво намлиги эса юқориқроқ пайтда чиқариш керак. Бундай вақтларда трихо-граммага қўйиш нурлари бевосита туш-майди ва шу боис у фаол бўлади. Ғўзада қуртларнинг гектарига 0,5 граммдан ҳар 2-3 кун оралатиб, 4-5 маротаба тарқа-тиш тавсия этилади.

Ҳар 100 туп ўсимликда 3-4 дона ўрта ва катта ёшлардаги фаол қуртлар қайд этилганда далага бракон қўсақ қуртига 1:15, 1:10 ва 1:5 нисбатда (урғоча ҳисо-бида) 5-7 кун оралатиб, уч маротаба қўйи-лади. Лабораторияларда сифатли қўлиб етиштирилган яйдокчининг зарарқунан-дага қарши биологик самарадорлиги 5-80 фоизга етиши мумкин.

Бракон трихogramмадан фарқли ўлароқ ўз ўлкасини тез, ҳаттоки, у аж-ратган қиңдиқсининг хиди орқали, қўсақ-лар ичидидаги яширинган қуртларни ҳам топиб олади.

Ҳар бир феромонли тўзоққа биринчи

ва иккинчи насллари қапалақларидан тун давомида ўрта ҳисобда 15-20 ва ундан кўпроқ ёки учинчи наслда 5-6 та илини-ши зарарқунанданинг жуда қўпайиб кет-ганлигидан дарак беради ва шу даврда 100 туп ғўзага қўсақ қуртининг 8-12 дона кичик ёшдаги қуртлари қайд этилиши кимёвий чора қўришга асос бўлади. Бун-да зарарқунандага қарши аэаунт, 15 % сус.к. (0,4-0,45 л/га); циперфос, 55 % э.м.к. (1,5 л/га); дельтафос, 36 % э.м.к. (1,5 л/га); политрин К, 31,5 % (1 л/га); суми-альфа, 5 % (0,5-0,6 л/га) каби кимёвий препаратларни қўллаш мақсада муво-фиқдир.

Қадрини тунламанинг қуртлари 114 турдаги, жумладан 74 тур маданий ўси-мликларга зийн етказида. Айниқса, ғўза, беда, каноп, мош, нўхат, лавлаги ва кўпгина сабзавот экинларини қаттиқ ши-кастлайди. Бу зарарқунанда ғўзага ни-ҳоллик даврида тушса, унинг бутун ер ус-тки қисмини еб битиради, қўсақни тешиб юборади. Серпушт қапалақлар 2000 та-гача, ўртача эса 300-600 дона тўғу қўяди.

Қадрини қуртларига қора қарға, ваҳча ва чумқўлар қирон келтиради. Майда қурт ва тўғумларини эса йиртқич қандавлалар, олтинқўз личинкалари, бра-кон сўриб йўқотади. Қўсақ қуртига қарши тавсия этилган биологик ва кимёвий ку-раш чораларини қадаринида ҳам қўллаш мумкин.

Юқорида келтирилган ғўзани зарар-қунандалардан ҳимоя қилиш борасидидаги тавсиялардан республиканинг турли мин-тақалари маҳаллий шароитларига мос-лаштирилган тарзда фойдаланиш мўл ҳосил етиштириш гаровидир.

Р.ОЧИЛОВ,
Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрохимёи маркази бош директори, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзои.
А.ХАМРОЕВ,
Зоология институтини лаборатория мудири, биология фанлари доктори, профессор.

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

MTZ “Беларус”

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақкиф этади.

Монзилимиз: Тошкент ш., Братиславо кўчаси, 11.

Тел: 361-40-33, 361-40-90, 361-40-75

2007 йил 9 июлда “OSIYO KOMPRESSOR LITMASH” КК

Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 116-манзилгоҳи бўйича жойлашган ўзига қарашли бўлган “Қуйиш цехи”нинг майдони 3125,63 кв.м тенг бўлган қисмини Ким ошди савдосига қўяди.

Аризалар Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 63-уй, вилот ҳокимияти биноси “Жиззах вилоти Моно-полидан чиқариш, рақобат ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси”га тугатиш (суд) бошқа-руви раиси Боллуклов Б.Х. номига 2007 йил 5 июлгача қабул қилинади.

Бошланғич нархи 70 миллион сўм. Ким ошди савдо-сида ҳўжатларини қабул қилишни тугатишдан аввал бошланғич нархнинг 10 фоиз гаров миқдорини тўлаган шахслар қатнаша оладилар. Ким ошди савдоси Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 116-ман-зилгоҳида соат 11.00 да ўтказилади. Натижаларни шу ман-зилгоҳда Ким ошди савдосидан сўнг ақунланади.

Ким ошди савдосини ютиб олган шахс билан олди-сотди шартномаси тўзилган кундан бошлаб, 10 кун мо-байнида объектни сотиб олиш шарти билан Олди-сот-ди шартномаси тўзилади.

Қўшимча маълумотлар ва ҳўжатлар топириш учун тел.: 8(371) 112-15-16, 303-03-07

Утерянный гос.ордер № 01-01/7388 от 24.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Мирзаева Зафа-ра Хасановича, считать недействительными.

